



THE ISSUE OF CREATING CHARACTER IN ARTISTIC CREATION

Ibodot Rustamova

Associate Professor, Candidate of Philological Sciences,
Fergana State University
Fergana, Uzbekistan

Gulbarno Asomiddinova

Lecturer
Fergana State University
Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: character, artistic creation, plot, idea, artistic reality, individuality, principle, style.

Received: 28.06.22

Accepted: 30.06.22

Published: 02.07.22

Abstract: This article analyzes the issue of character creation in Abdullah Qahhor's stories "Dahshat" A. Qahhor "Adabiyot muallimi", "San'atkor" in terms of author's skill.

БАДИИЙ ИЖОДДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАСАЛАСИ

Ибодат Рустамова

доцент, филология фанлари номзоди
Фаргона давлат университети
Фаргона, Ўзбекистон

Гулбарно Асомиддинова

ўқитувчи
Фаргона давлат университети
Фаргона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: характер, бадий ижод, сюжет, ғоя, бадий воқелик, индивидуаллик, тамойил, услуб.

Аннотация: Мазкур мақолада Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” А.Қаҳҳор “Адабиёт муаллими”, “Санъаткор” ҳикояларида характер яратиш масалаласи муаллиф маҳорати аспектида таҳлил қилинади.

ПРОБЛЕМА СОЗДАНИЯ ОБРАЗА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТВОРЧЕСТВЕ

Ибадат Рустамова*доцент, кандидат филологических наук
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан***Гульбарно Асомиддинова***преподаватель
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: характер, художественное творчество, сюжет, идея, художественная индивидуальность, принцип, стиль.	Аннотация: В данной статье анализируется вопрос создания персонажей в рассказах Абдуллы Каххора «Ужас», А. Каххора «Автор литературы», «Художник» с точки зрения авторского мастерства.
---	--

КИРИШ

Бадий асарда характер яратиш энг муҳим назарий муаммо саналади. “Характер” юнонча “белги” алоҳида хусусият “ўзига хослик” деган маъноларни ангалатади. “Бадий ижодда индивидуал хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукамал тури[1]. Характер – (грекча) инсон ҳулки ёки алоҳида намоён бўладиган ва унда одат тусига кириб қолган яна муҳим руҳий ҳолатлар мажмуи, феъл-атвор[2]. Бирор нарсанинг ўзига хос кўриниши хусусияти. Бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони[3]. “Характер доим ҳаракатда, тўқнашувларда ўзини намоёниш қилади, сюжетни ҳам ҳаракатга келтиради ва аксинча, характер ўзини сюжетда кўрсатади. Яна муҳими сюжет асар ғоясини ифодаловчи восита бўлиб, уни характерлар мантиғи орқали ифодалайди”[4]. Шунинг учун ҳам адабиётда характер асосида ёзувчи ўзи айтмоқчи бўлган фикрларни китобхонга етказиши. Ҳар бир даврнинг ўз идеал қаҳрамонлари бўлганлиги боис, характерга ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида қараш мумкин. Чунки характер шаклланишида маълум маънода ижтимоий қарашлар, ижтимоий шароит ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўз-ўзидан маълумки, характер маълум иродавий йўналишга эга бўлган образдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бадий асарда характер яратилар экан, у жуда кўп нарсаларни ўз ичига олади. Жумладан, характер у ёзувчининг ниятини рўёбга чиқаришда асосий фигура саналади. Характер шаклланишида ҳам қатор ўзига хос тамойиллар мавжуд. Ёзувчи маҳоратининг намоён этилишида бадий воқеликни акслантиришда характер асосий роль ўйнайди. Инсонларда шундай фазилат ва иллатлар бўладики, ёзувчи қачон шу нарсаларни бадий

ижод жараёнида бўрттириб, ўзига хос равишда талқин этиб бергандагина, том маънодаги бадиий характерлар яратилади. Ёзувчи номини машҳур қиладиган нарса шубҳасиз, у яратган ўзига хос образлар, индивидуал характерлардир. Характер яратишдаги ёзувчининг таланти, маҳорати, ўзига хослиги унинг шахсияти учун жуда кўп нарсаларни белгилайди. А.Қаҳҳор ҳам ўз ижодий фаолиятида жуда кўп ўзига хос характерлар яратади. Йирик прозасидан тортиб, унинг кичик ҳажмли ҳикояларида ҳам ўзига хос характерлар яратилган.

”Адабиётда характер яратиш муаммоси бадиий маҳоратнинг ўзак масаласи деб қарашимизнинг яна бир боиси шундаки, характер бадиий ижоднинг ҳамма компонентлари (тил, портрет, сюжет, композиция, диалог, монолог, деталь ва ҳ.к) ўзида жамлайди, тўғриси ўзида ишлашга мажбур қилади”[5]. Характер яратишда юқоридаги барча бадиий асар ички имкониятлари, бадиий тасвир воситалари, иштирок этувчи образлар таъриф ва таснифи, қисқаси нутқий характеристикаси, воқеа-ҳодисалар, сюжет, композиция ҳам иштирок этади. Улар ўртасида “занжир”симон боғлиқлик бўлиб, бир-бирининг бўлишини тақозо этади. Характер шаклланишида автор баёнининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. А.Қаҳҳор ниҳоятда сиқик жанр – ҳикояда бадиий тасвир воситаларидан моҳирлик билан фойдаланди. Адиб томонидан айтилган биргина лукма ҳам образ ҳақида аниқ маълумотлар беради. Айтилган ҳар бир сўз асар структурасида жуда катта бадиий-эстетик ва композицион вазифа бажаради. Муаллиф ровий позицияси ёрдамида гоҳ тарафкашлик қилиб, бош қаҳрамон тутган йўлни маъқулласа, гоҳ салбий муносабат билдириб, китобхон мулоҳазаларига қарши фикр айтиб, характер яратишнинг ўзига хос усулини кашф этади. Шунинг учун ёзувчи М.Достоевский “Ҳамма гап характерда” деган эди. Ҳ.Умуров “Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги” рисоласида характер масаласига алоҳида эътибор қаратади. Ушбу рисолада рус ёзувчиси К.Чуковскийнинг қуйидаги фикрини жуда ўринли келтиради: “Прозаик ёзувчи учун яна асосий ва яна қийин масала характер яратишдир, қолган ҳамма нарса ана шунга боғлиқдир, характер яратишга муяссар бўлдими, демек роман, қисса шу кабиларни яратишга муваффақ бўлади”, деган эди. Инсон шахсий ҳаётида ҳеч кимга ўхшамаган қирраларнинг намоён бўлиши характер ҳисобланади. А.Қаҳҳор қатор ҳикояларида ўзига хос характерлар яратиб, китобхон хотираларида муҳрланиб қолишига замин яратади. Унинг кичик ҳикояларидан тортиб, йирик романларида яратилган характерлар ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан муҳимдир.

“Минг бир жон” ҳикояси қаҳрамони Мастура ўзига хос характер сифатида адабиётимизда маълум. Ундаги ирода, матонат ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Дард уфайли қийин аҳволга тушиб қолган қаҳрамон ҳеч қачон тушкунликка тушмайди, яшаш учун интилади. Атрофдагиларнинг унга нисбатан ачинишларини кулиб қарши олади. Нордай-нордай кишилар кўнгил сўраш учун кириб, аҳволини кўриб, олдидан аранг чиқиб кетишганда ҳам Мастура тушкунликка тушмайди, аксинча, ўзининг иродаси ва матонатини яна бир қарра намойиш этади. Мастурадаги матонат ва сабрни адибнинг “Даҳшат” ҳикоясидаги Унсин характерида ҳам кўрамайди. Эрка бўлган интилиш Унсинни кўркмас, жасур, қасоскор, матонатли шахсга айлантиради. Натижада, у ўзбек адабиётида ўзига хос характер сифатида шаклланган образга айланади. Аввалига, додхонинг ҳарамида бир чўри сифатида яшаётган Унсин у ердаги эрксизлик ва адолатсизликни кўриб, мустақил характер сифатида шаклланади. Ёш бўлса ҳам, кундошлари журъат қилолмаган қийин вазифани бажариб, ўз эрки учун курашади. Унинг ягона мақсади зулматдан қутулиб, ота-онасининг олдида, Ганжировонга, бориш эди. Унсиннинг жасорат кўрсатиб, ўзгаларни қойил қолдириш нияти йўқ, ягона мақсади тутқунликдан қутулиш ва эрка интилиш, озодликка чиқиш. Додхонинг зулмат билан қопланган ҳарамидан буткул қутулиш. “Мастон” деб номланган ҳикоя қаҳрамони Мастон хатти-ҳаракати ҳам худди Унсинни эслатади. Мастон ўзининг мақсади йўлида интилади, ҳаётдаги қийинчиликлардан кўркмайди, сафига Турғунони ҳам қўшади. Эрк масаласида унинг ҳам ўзига хос қарашлари бор: “Қизсан бахтдан умидворсан!” дейсан. Агар мен қизлигим учун бахтдан умидвор бўлсам, бахтсизлигим бўлади. У вақтда мен умрни тикиб ошиқ отган бўламан. Чув тушдимми – умр кетди! Йўқ Турғуно менимча, бахтни эрдан излашнинг ўзи бахтсизликнинг бошланишидир”[6].

Мастон ҳаётдаги қийинчиликлардан худди Унсин сингари кўркмайди, дадил ҳаракат қилади. Муаллиф Мастон характерининг шаклланиши жараёнида Турғуно характеридан фойдаланади. Турғунонинг ҳаёт ва бахт ҳақидаги тушунчалари мутлақо Мастон қарашларига мос келмайди. Аммо Мастон таъсирида Турғуно характери ўзгариб, шаклланиб боради. Мастон билан Унсин бир даврда яшади. Унсиннинг шароити Мастонникига нисбатан анча оғир, унинг олдида турган шартлар ҳам осон эмас. Аммо Унсин буларнинг барчасини енгиб ўтади, умрини қурбон қилиб бўлса ҳам, додхонинг енгади. Мастон ҳам ўз олдида турган тўсиқлардан кўркмайди. У ҳақиқий муҳаббат, қадр-қиммат каби инсоний фазилатлар учун курашади.

А.Қаҳҳор ижодида характер яратишда қатор иждодий усуллардан фойдаланди. Адиб ижодида мардлиги, матонати билан ажралиб турадиган юқоридаги каби характерларни кўплаб учратишимиз мумкин. Фақат аёллар образини эмас, ёзувчи қатор ҳикояларида ўзига хос эркалар образини ҳам яратади. Адиб ҳикоялари билан тинишиб чиққан

китобхон характер яратиш бобида икки хил манзарага дуч келади. Фақат бир асар тизимида бир-бирини тўлдирадиган образлар бўлишидан ташқари, барча асарлари доирасида ҳам бир-бирини эслатадиган ва тўлдирадиган образлар мавжуд. Китобхон шуурида бу образлар бир-бирини тўлдиради ва мукаммаликка эришади. А.Қаҳҳор “Адабиёт муаллими”, “Санъаткор”, “Нотик, “Думли одамлар” ҳикояларида замонавий кишилар характерини яратади. ”Адабиёт муаллими”, “Санъаткор” ҳикоялардаги усти ялтироқ, ичи қалтироқ, билимсиз кишилар тимсоли яратиб берилган. Муаллиф саводсиз санъаткор ва муаллимнинг билимсизлигини ўз тилидан шу даражада тасвирлаб берадики, натижада, ўзбек адабиётида ўзига хос характерларни яратишга эришади. “Ҳар бир янги давр босиб ўтилган йўл – мозийни англаш эҳтиёжини пайдо қилади, чунки бугун ва эртанинг илдизлари ҳамиша кечанинг бағрида қоимдир”[7].

ХУЛОСА

Хуллас, А.Қаҳҳор характер яратишда прототиплардан унумли фойдаланади, портрет ифодасида ўхшатиш, қиёслаш, солиштириш, киноя, бўрттириш, шартлилик каби бадий тасвир воситаларини қўллади. Бундан ташқарактер яратишда матндаги фразеологик иборалар, ўхшатиш ва ироник усулларни қўллайди. Натижада, асар тилининг бадийлиги ва миллийлиги тасвирий ифодалар ёрдамида амалга оширилди. Характер яратишда образ хатти-ҳаракати, нутқ имкониятлари, ровий баёнидаги киноявий сўзлар ва иборалардан ҳам унумли фойдаланди. Характер яратиш муаммолари адабиётшуносликнинг бош назарий муаммоси сифатида эътироф этилган ва шундай бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳатамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –Б. 335-336.
2. Ўзбек тилининг изоҳий луғати. – Москва: Русский язык, 1981. –Б. 316.
3. Юқоридаги манба.–Б. 316.
4. Тўраев Д. Ҳаёт ва сюжет. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б. 97.
5. Умуров Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. –Тошкент: Фан, 1983. –Б. 21.
6. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Учинчи жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –Б. 259.
7. Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърляти. –Тошкент: “ADIB”, 2012. –Б. 4.

8. Sabirdinov, A. (2019). Sketches to the novel "Night and day" by Chulpan. Scientific journal of the Fergana State University, 1(6), 119-120.
9. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of Characters in Utkir Hoshimov's Story "Yanga". International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(6), 196-200.
10. Sabirdinov, A. (2020, December). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. In Конференции.
11. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of the banned period in the stories of Naim Karimov. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(11), 4-91.
12. Сабирдинов, А. Г. (1993). Слово и образ в поэзии Айбека.
13. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Scientific Journal of Polonia University, 32(1), 116-120.
14. Oripova Gulnoza Murodilovna. (2019). THE PECULIARITIES OF VAZN METER IN UZBEK POETRY OF THE INDEPENDENCE PERIOD. International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume: 8 /Issue:2/. – Macedonia, 2019. – P.33-39.
15. Murodilovna, O. G. (2020). Melody and musicality in Liryics. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 656-664.
16. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.
17. Oripova, G. (2020, December). RHYTHM AND MYTHING IN LYRICAL GENRE. In Конференции.
18. Oripova, G. (2019) "Traditions of folk ballads and distinctiveness of uzbek poetry of independence period," Scientific journal of the Fergana State University: Vol. 2 , Article 12.
19. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(12), 90-94.
20. Rustamova I.I. Rhythm Views on the Plot of the Work // Badiy asar syujetida ritm ko'rishlari. // International Journal of Innovative Research. – India, June, 2021, –P. 8355-8357.
21. Rustamova I.I. PORTRAIT AND ITS ARTISTIC-AESTHETIC FUNCTION IN THE WORKS OF ABDULLA QAHHOR//Abdulla Qahhor asarlarida portretning badiiy-estetik funksiyasi//AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. – America, December, 2021, –P. 230-234.

22. Karimov, N. (2022). IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.

23. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.

24. Hamidov, M. (2020, December). ARTISTIC FEATURES OF SHUKHRAT'S NOVEL "MASHRAB". In Конференции.